

**«Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори»
АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ**

2021 йил 26 март

Тошкент шаҳри

Овоз берувчи акциялар сони: 1 220 689

Акциядорларнинг 2020 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Бектемир тумани Тошкент автомобил халка йули манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2021 йил 26 март куни ўтказилди. Йиғилишда 1137784 дона овозга эга 14 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 93,21 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 93.17 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Камолов Т.К. — -Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.

Ганиев Д.И. —Марказнинг “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари.

Алматов Ж.Б. — «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖ директори

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Абдурахмонова И.Ф.

Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Авелов Ж., Шайдуллаева Г., Бойбутаева К.

Йиғилишга жамият кузатув кенгашининг аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш;

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари;

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш;

7. Жамият директори билан тузилган шартнома муддатини узайтириш;

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш;

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш;

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;

11. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

12. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чикувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори Ж.Алматовнинг ҳисоботи тингланди.

Ж.Алматов ҳисоботида жамият ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ -1326 сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бозорлар фаолиятига таълуқли бўлган қарор ва кўрсатмалари асосида олиб борганлиги, 2020 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, 2021 йилга режалаштирилган ишлар ҳақида ҳисобот берди, жумладан жамиятнинг 2020 йилга белгиланган жаъми даромадлари режаси 12.965.940,0 м.сум бўлиб, амалда 12.762.155,0 минг этиб бажарилгани, жой ҳақи режаси 5 050 000 м.сум бўлиб, амалда 4.866.746,0 минг сўм этиб бажарилгани, ижара ҳақи режаси 5 285 940 м.сум ташкил қилиб, амалда 5.349.336,0 минг сўм бўлгани ва бошқа олинган даромадлар ҳамда амалда сарфланган харажатларни қисқача тушунтириб ўтди.

Жамият раҳбари 2020 йил март ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида фавқулотда ҳолат карантин эълон қилиниши натижасида “Улгуржи бозори” худудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кириб келиши кескин камайгани, тадбиркорлар фаолияти чеклангани ва бунинг натижасида жамиятнинг 2020 йил учун белгиланган жаъми даромадлар режаси 203785 м.сумга кам миқдорда бажарилганини айтиб, жамият томонидан тегишли ташкилотлар билан биргаликда карантин қоидаларига амал қилиш бўйича барча зарур чоралар кўрилганлигини маълум қилди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «AUDIT-RUMANS» МЧЖ аудиторлик компаниясининг 2020 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош ҳисобчиси А.Каримов ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келиши ҳақидаги 2021 йил 23 февраль №ДО-8 сонли ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Б.Абдухалиқова йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д. йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори «AUDIT-RUMANS» МЧЖнинг 2021 йил 23 февралдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

- аффилиланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосиб Каримов А.Д.сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020йил якуний баланси юзасидан тўлиқ ҳисобот берди.

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	37292058,9	Устав капитали	1806575,3

Узоқ муддатли инвестициялар	24139,4	Резерв капитали	5653854,8
Товар моддий захиралари	94413,9	Тақсимланмаган соф фойда	2722872,2
Дебиторлар	1926474,9	Мақсадли тушумлар	691989,5
Пул маблағлари	3794553	Жорий кредиторлик қарзлар	32256348,3
ЖАМИ	43131640,1	ЖАМИ	431316401,1
		СОФ ФОЙДА	2722872,2

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала кўриб чиқилди ва 2020 йил якуни бўйича олинган 2722872 м.сум соф фойдани қуйидагича тақсимланиши таклифи киритилди:

- жамият захира жамғармасига соф фойдани 5% қисми - 136143,6 м.с.

- соф фойданинг 5% қисми яъни, 136143,6 минг сўм Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли қароридан келиб чиқиб жамият ижроия органини рағбатлантиришга

- йил якуни бўйича ходимларини рағбатлантиришга- 81686,16 минг сўм

- йил якуни бўйича жамият кузатув кенгашини рағбатлантиришга- 54457,4 минг сўм

- Акциядорларга дивиденд тўлашга - - 2314441,2 минг сўм

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори Ж.Алматов сўзга чиқиб, 2021 йил учун тайёрланган «Бизнес-режаси» ва «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2021 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва кўшимча даромадлар манбааини ташкил этиш йўлларини излаш кўрсатилганини билдирди («Бизнес-режа», «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» тўлалигича илова қилинади).

Бундан ташқари жамият раҳбари Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 10 мартдаги 294-сонли қарорига асосан 500,0 млн сўм 2021 йил ҳисобидан бўнак дивиденд ўтказилиши кўрсатилганлигини айтиб ўтди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи жамият кузатув кенгашининг хулосасида 2020 йилда эришилган натижалардан келиб чиқиб, жамият директори Ж.Алматов томонидан ўтган даврда бажарилган ишлар ва жамиятда эришилган ютуқлар, тозалик, хавфсизлик, жамият даромадларини оширилиши ва бошқалар инобатга олиниб, унинг меҳнат шартномасини акциядорларнинг 2021 йил якуни бўйича умумий йиғилишига қадар узайтирилиши мақсадга мувофиқ деб топилганлигини билдирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саққизинчи** масалага ўтиб, 2021 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмаси жамият акциядорларининг 2019 йил 7 майдаги

умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланганлиги, бугунги кунга келиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилган тегишли ўзгартиришлар киритиш заруриятини маълум қилиб, ўзгартиришлар лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи сўзга чиқиб, кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан И.Абдурахмановага сўз берди. Жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш “AUDIT-RUMANS” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра жамият +5 балл йиғиб, унга “паст“ баҳо берилганлигини, фоиз жиҳатидаги якуний баҳоси 0 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан таништирди (*жамиятни Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича хулосаси ва ҳисобот илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан жамият муҳосиби А.Каримов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “EXPERT-AUDIT” МЧЖ – миллий стандарт асосларида- 4,9 млн сўм;
2. “AUDIT-RUMANS” - миллий стандарт асосларида- 5,0 млн сўм;

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок ҳайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<p>1-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>	<p>2-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>	<p>3-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>
<p>4-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>	<p>5-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>	<p>6-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>
<p>7-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>	<p>8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)</p> <p>8.1. Ирматов Мурод Абдукахарович 1137884 - та овоз</p> <p>8.2. Тулаганов Фарход Файзуллаевич 1137884 - та овоз</p> <p>8.3. Акбарходжаев Лазизхон Турапович 1137884 - та овоз</p> <p>8.4. Абдурахмонов Музаффар Мирзарахимович 1137884 - та овоз</p> <p>8.5. Камолов Толмас Каримович 1137884 - та овоз</p>	
<p>9-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>	<p>10-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>	<p>11-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>
<p>12-масала</p> <p>Ёқлаган 1137784–100%</p> <p>Бетараф 0 – 0,0%</p> <p>Қарши 0 – 0,0%</p>		

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 1137784 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ);

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин (ёқлаган 1137784 та овоз – 100%, қарши–йўқ,бетараф –йўқ);

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1137784 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1137784 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган 2722872 минг сум фойдасидан 5% қисми яъни, 136143,6 минг сўм жамият захира жамғармасига, соф фойданинг 5% қисми яъни, 136143,6 минг сўм Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли қароридан келиб чиқиб жамият ижроия органини рағбатлантиришга, йил якуни бўйича жамият ходимларини рағбатлантиришга 81686,16 минг сўм, йил якуни бўйича жамият кузатув кенгашини рағбатлантиришга 54457,4 минг сўм ва акциядорларга дивиденд тўлашга 2314441,2 минг сўм йўналтирилсин (ёқлаган 1137784 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёқлаган 1137784 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6.1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 10 мартдаги 294-сонли қарорига асосан 500,0 млн сўм 2021 йил ҳисобидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги улушига бўнак дивиденд ўтказилиши кўрсатилганлиги инobatга олинсин ҳамда ушбу дивиденд ўтказилганидан сўнг, 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувларида ҳамда дивиденд тўловларида инobatга олинсин.

7. Жамият директори Ж.Алматовнинг меҳнат шартномаси акциядорларнинг 2021 йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган умумий йиғилиши якунига қадар узайтирилсин (ёқлаган 1137784та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

- | | |
|---|-------------------|
| 8.1. Ирматов Мурод Абдукахарович | 1137784 - та овоз |
| 8.2. Акбарходжаев Лазизхон Турапович | 1137784 - та овоз |
| 8.3. Тулаганов Фарход Файзуллаевич | 1137784 - та овоз |
| 8.4. Абдурахмонов Музаффар Мирзарахимович | 1137784- та овоз |
| 8.5. Камолов Толмас Каримович | 1137784- та овоз |

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Ким Олег Викторович, Шайдуллаев Юлдаш Тафтанович ва Асрарова Карима Абдурахимовналар сайлансин (ёқлаган 1137784 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ);

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришлар маъқуллансин ва қайта тасдиқлансин. (ёқлаган- 1137784та овоз – 0,0%, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

11. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича «AUDIT-RUMANS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тасдиқлансин (ёқлаган 1137784 та овоз – 100%, қарши– йўқ, бетараф – йўқ);

12. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “AUDIT-RUMANS” МЧЖ тасдиқлансин ва аудит кўриги учун хизмат ҳақининг энг кўп миқдори 5,0 млн сўм этиб белгилансин (ёқлаган 1137584-100 %, қарши- йўк, бетараф -йўк).

Баённома имзоланган сана: «04» апрель 2021 йил.

Йиғилиш раиси



Т.К.Камолов

Котиб



И.Абдурахманова